

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

СЎЗ БОШИ	5
1.Кобзева О. П. ИПАК ЙЎЛИНИНГ ХИТОЙ ТАРИХШУНОСЛИГИДАГИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ.....	6
2.Кебадзе М., Лекидзе Т. XX ASARNING 30-YILLARIDA KAXETIDAGI REPRESSIYALAR ZEMO ALVANI VA KVEMO ALVANI QISHLOQLARI MISOLIDA.....	15
3.Холиқова Р.Э. БУХОРО ХОНЛИГИДАГИ РАБОТ ВА САРДОБАЛАР ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН.....	19
4.Муҳитдинова Ф.А. СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ: ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ.....	27
5.Ҳайдаров М.М. УЧ РЕСПУБЛИКА КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА (ТУРКИСТОН АССР, БХСР, ХХСР) СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛИШИ ВА МОҲИЯТИ.....	43
6.Абраров С.А. ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН.....	51
7.Рахмонқулова З. XIХ- ХХ АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ВА УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	59
8.Абдуллаев Ў.Ш. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	67
9.Абдурасулова Д.Т. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲАР САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	72
10.Абдурахманова Ж.Н. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ ГРЕК ХАЛҚИ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ (ЎЗБЕКИСТОНГА КЎЧИРИЛГАН ГРЕКЛАР МИСОЛИДА).....	79
11.Азаматова Г.Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ.....	85

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 12. Alimdjanov B.A., Jakparov J.I.**
"SART" ATAMASINING KELIB CHIQISHI HAQIDA V.V. BARTOL'D,
S.LAPIN ORASIDA MUNOZARA.....91
- 13. Амонова Ф.С.**
XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА
ТАШКИЛ ТОПГАН РУС САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ҲАҚИДА.....99
- 14. Ахмедов Т.О.**
"ЗАРАФШОН МУЗОФОТИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА МУВАҚҚАТ
ҚОИДАЛАР"НИНГ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА
ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР.....110
- 15. Аҳмедова Р.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ ШИФО МАСКАНЛАРИНИНГ
ВУЖУДГА КЕЛИШИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....117
- 16. Бабаджанова Н.А.**
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МИЛЛИЙ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР
(1946-1991 йиллар).....124
- 17. Бобожонов И.У.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....137
- 18. Бобожонов Ш.**
ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДА САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ
ҚАДАМЖОСИНИНГ ЎРНИ.....145
- 19. Бабабеков А.Д.**
XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ
ҲУДУДЛАРИ АҲОЛИСИ ЭТНОИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА
САВДО-СОТИҚНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ
(САНГЗОР-ЗОМИН МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА).....153
- 20. Базарова М. М.**
ЎРТА АСРЛАР ТУРОН ЗАМИН ОЛИМЛАРИНИНГ ЖАҲОН
ИЛМ-ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....165
- 21. Bohodirov I.**
TURKISTON BOSHQARUV TIZIMIDAGI NOMUTANOSIBLIK
VA XALQ KOMISSARLARI SOVETIDAGI ICHKI ZIDDIYATLARNING
O'LKA HAYOTIGA TA'SIRI (1917-1924 YILLAR).....171
- 22. Бегамова Н. Х.**
МУҒУЛ ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОЙ ТУЗИЛИШИ ВА ҲУДУДИ.....183

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Бобожонов Ислонбек Усмоналиевич,
ТДПУ таянч докторанти
islombek_uz_1989@mail.ru

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

For citation: Bobojonov Islombek Usmonalievich. FORMATION AND DEVELOPMENT OF THE LEGAL PRINCIPLES OF THE INSTITUTION OF MAHALLAH DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE. Look to the past. 2020, SI, pp. 137-144

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-17>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мустақиллик йилларида маҳалла институтига берилётган эътибор, унинг ҳуқуқий асосларини шаклланиши ва ривожланиши таҳлил қилинади. Маҳалла институтининг ривожланиш босқичлари хронологик асосда кўрсатиб берилди. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг ҳар бир таҳрири ўрганилади. Қолаверса, маҳалла институти фаолиятидаги сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар, хусусан маҳалла раисининг сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар, унинг мазмун-моҳияти очиқ берилди.

Калит сўзлар: маҳалла, қонун, қарор, низом, комиссия, маҳалла оқсоқоли, ўзини ўзи бошқариш органи, ваколат, ислоҳот

Бобожонов Ислонбек Усмоналиевич,
базовый докторант ТГПУ
(islombek_uz_1989@mail.ru)

ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ ПРАВОВОЙ ОСНОВЫ УЧРЕЖДЕНИЯ МАХАЛЛА В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется внимание, уделяемое институту махалли в

годы независимости, формирование ее правовых основ и развития. В хронологической основе показываются этапы развития института махалли. Также изучаются все изменения в законе об органах самоуправления граждан. Помимо этого раскрывается суть реформ за последние годы, проводимые в деятельности института махалли, в частности, законодательных изменений при выборе махаллинского председателя.

Ключевые слова: махалля, закон, решение, положение, комиссия, председатель махалли, орган самоуправления, полномочие, реформа

Bobojonov Islombek Usmonalievich,
PhD researcher in TSPU
(islombek_uz_1989@mail.ru)

FORMATION AND DEVELOPMENT OF THE LEGAL PRINCIPLES OF THE INSTITUTION OF MAHALLAH DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE

ABSTRACT

This article analyzes the attention paid to the institution of mahalla during the years of independence, its formation and development. The development stages of the mahalla institution are presented on a chronological basis. It also examines each edition of the Law on Civil Self-Government. In addition, the reform of the mahalla institute in recent years, including changes in the electoral legislation of the mahalla chairman, reveals its essence.

Index Terms: mahalla, law, resolution, statute, commission, neighborhood chairman, self-governing body, authority, reform

Долзарблиги. Жаҳон тажрибасидан маълумки, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколат ва вазифаларини кенгайтириб бориш ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масаласи устувор вазифалардан ҳисобланади. Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг асосий вазифаси юқори давлат ҳокимият органларининг вазифа ва ваколатларини бир қисмини босқичма-босқич тарзда қуйи бўғинлар, хусусан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиб боришни назарда тутади. Ўзбекистон Республикаси ҳам миллий мустақилликни эълон қилгач, рус истибдоди даврида, деярли 140 йил мобайнида ўзининг ҳаётий аҳамиятини йўқотган ва бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вазифасини бажарувчи маҳалла институтини тарихий мавқеини тиклаш ва ривожлантириш йўлидан борди. Маҳалла институтининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва ривожлантириш орқали унинг вазифа ва ваколатлари босқичма-босқич кенгайтириб борилди.

2. Тадқиқот методлари ва ўрганилиш даражаси.

Тадқиқот холислик, анализ, синтез, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, тарихий таҳлил, хронологик услублардан фойдаланган ҳолда олиб борилди.

Мазкур тадқиқот ишлари устида ҳуқуқшунос олимлардан, асосан А.Азизхўжаев, М.Бойдадаев, Ш.Жалилов, Г.Маликова, А.Саидов, С.Сувонқулов, С.Султонов,

О.Ҳусанов, К.Комилов, Г.Исмоилова каби олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар.

Жумладан, ҳуқуқшунос Г.Исмоилова фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асослари, маҳаллий бюджет, молиявий назорат масалалари, қолаверса, фуқаролар йиғинида ўтказиладиган сайловларга доир муносабатларнинг умумий жиҳатлари, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида етакчи ўринни эгалловчи мувофиқлаштириш кенгашлари томонидан сайлов жараёнида белгиланиши лозим бўлган вакиллик нормасига доир ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирган.

Юридик фанлари доктори, Ш.Жалилов ўзининг илмий тадқиқот ишларида мамлакатимиз мустақиллик эълон қилингандан кейинги йилларда фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларини ислоҳ қилиш билан боғлиқ масалаларни, мазкур органнинг жамиятдаги ўрни ва унинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилган.

Юридик фанлари доктори, Г.Маликова фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларига бағишланган илмий тадқиқот ишларида асосан, давлат ҳокимияти органларинининг вазифа ва ваколатларини бир қисмини қўйи бўғин, яъни маҳалла институтига ўтказиш масалаларига диққат қаратди.

3. Тадқиқот натижалари.

Ўзбекистон Республикасида бу йўлдаги асосий қадам 1992 йил 8 декабрда Мустақил Ўзбекистон Конституциясини қабул қилиниши бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ташаббусига кўра унинг 105 моддасида[1] алоҳида равишда маҳалла институтининг ҳуқуқий ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлашга урғу қаратиш орқали маҳалла институтининг конституциявий асоси яратилди. Бунинг натижасида мустақил Ўзбекистонда маҳалла институтининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга асос солиш билан бирга, 1985 йил Франциянинг Страсбург шаҳрида қабул қилинган Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги Европа Хартиясининг 2 моддасида "Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари мамлакат Конституцияси ва қонунчилигида тан олинishi лозим[2]" деб белгиланган нормасига тўлиқ жавоб беришини таъминлади.

Маҳалла институтининг фаолиятини тартибга солиш, вазифа ва ваколатларини белгилаб беришда унинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим омил саналади. Ўзбекистон Республикасида маҳалла институтининг ҳуқуқий асосларини Конституция ва қонунлар, Президент қарор ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва яна бошқа қонун ости ҳужжатлари ташкил этади.

Дастлаб айни шу мавзуда тадқиқот олиб борган тадқиқотчи олимлар илмий ишларига эътибор қаратсак. Бугунги кунгача кўпгина ҳуқуқшунос олимлар маҳалла институтининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларига тўхталиб ўтган. Хусусан, юридик фанлари доктори, профессор З.Рўзиев ўзининг илмий тадқиқот ишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари ривожланишини 3 босқичга бўлиб ўрганadi[3], яъни "биринчи босқич - ФЎЎБОНинг конституциявий-ҳуқуқий, ташкилий асослари ҳамда уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги муносиб ўрнини белгилаб бериш, шунингдек улар ваколатларини шакллантириш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олган дастлабки босқични 1991-2000 йиллар билан белгилайди; иккинчи босқич - ФЎЎБО фаолияти ва ваколатлари такомиллашувининг 2001 йилдан 2010 йилгача бўлган муддатини ўз ичига олган фаол демократик янгиланишлар даври; учинчи босқич - ФЎЎБО фаолияти ҳамда ваколатларини янада такомиллашувининг 2010 йилнинг 12 ноябрдан ҳозирги кунгача бўлган давр". Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки

йилларида асосий эътибор маҳалла институтининг конституциявий-ҳуқуқий асосини шакллантириш масаласига қаратилди. Шу жиҳатдан олиб қараганда профессор З.Рўзиев хулосаларини қувватлаб, сўнгги йилларда маҳалла институтини ривожлантиришни янги босқичга кўтарилишини назарда тутувчи ислоҳотларни амалга оширилганлиги сабаб, 2017 йилдан бошлаб ҳуқуқий асосларни ривожлантиришни навбатдаги тўртинчи босқичи бошлангани ҳақидаги фикрни илгари суриш мумкин. Хусусан, бунда 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони ва 2018 йил 15 октябрдаги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги қонунини қабул қилиниши, шу билан бирга сўнгги йилларда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамаси қарорлари маҳалла тузилмаси фаолиятини ривожланишнинг янги босқичга кўтарилганини кўрсатиб турибди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида"ги Фармонида[4] маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани ҳамда бунинг учун бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши белгилаб олинганлиги яқин йиллар ичида соҳа доирасида демократик ислоҳотлар янада чуқурлашишини тахмин қилиш қийин эмас. Бу эса яқин келажакда маҳалла тузилмаси фаолиятига доир ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этар эди. Шу муносабат билан 2020 йил 18 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" президент қарори қабул қилинди[5]. Мазкур қарор билан шу кунгача жамоат ташкилоти сифатида фаолият юритиб келган маҳалла институти бундан кейин вазирлик сифатида фаолиятини давом эттириши белгиланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида маҳалла институти фаолиятини тўғри ва самарали йўлга қўйиш, уни тизимли равишда тартибга солиш мақсадида соҳани тўлиқ ўз ичига қамраб оладиган махсус қонун қабул қилиш режалаштирилди. 1993 йил 2 сентябр куни мамлакат тарихида илк бор "Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш билан маҳалла институтининг қонунчилик асоси шакллантирилди. Қонун 8 қисм ва 25 моддадан иборат бўлиб, унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тушунчаси, маҳалла йиғинини чақириш тартиби, оқсоқол ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш, маҳалла тузилмасининг молиявий асоси, унинг вазифа-ваколатлари каби тушунчалар мазмуни ва тартибига аниқлик киритилди[6]. Бироқ фаол демократик ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришга бўлган интилиш ва фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ортиб бориши маҳалла институтининг вазифа ва функцияларини кенгайтириш йўли билан унинг ҳуқуқий асосини ривожлантириш заруратини туғдирди. Қолаверса, маҳаллий даражадаги кичик муаммоларни ҳал этиш, уларнинг олдини олишда маҳалла тузилмасини таъсирини янада ошириш масаласи бу борадаги ислоҳотларни янада тезлаштирди. Натижада, 1999 йил 14 апрелда 29 моддадан иборат "Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди[7]. Дастлабки нашридан фарқли равишда мазкур қонун маҳалла институтига бир қатор ваколат ва имтиёзларни маҳаллий ҳокимият органларидан олиб берилиши билан аҳамиятга эга бўлди. Маҳалла институтининг фаолият доираси кенгайтирилиб, ҳар бир йўналишдаги вазифалари қонун билан тартибга солинди. Қонуннинг мазкур янги

таҳрири нафақат ҳажм жиҳатдан, балки мазмунан бойитилди. Унинг дастлабки моддасида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши - фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир[8]", дея маҳалла институтининг фаолиятига аниқ муносабат билдирилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколат доирасининг кенгайтиши айнан маҳалла йиғинининг ўз ҳудудида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳада, турли ташкилот ва корхоналар билан муносабатларни йўлга қўйиш ҳамда ҳудудни ободонлаштириш борасида амалга оширадиган фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланганида яққол намоён бўлади. Маҳалла йиғини фаолияти алоҳида низом асосида ташкил этилиб, низом Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши белгилаб берилди. Унга кўра, маҳалла йиғини фаолияти низомда тўлиқ ўз ифодасини топиши назарда тутилган эди. Шунингдек, қонунга кўра, фуқаролар йиғини таркибида алоҳида йўналишлар бўйича комиссиялар фаолияти йўлга қўйилди ҳамда бу ислоҳот ҳудудда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни тегишли комиссия саъй-ҳаракати билан самарали бартараф этиш имконини тақдим этди. Тарбияга оид масалалар юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиши, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга нафақаларни шу мақсадда ажратилган давлат бюджети маблағларидан белгиланган тартибда тайинлаш ва тўлаш ваколати берилганлигини алоҳида қайд этиш даркор. Ушбу қонун асосида маҳалла тузилмаси фаолияти 2013 йилга қадар тартибга солинди.

2013 йил 22 апрелда "Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда яна бир бор қабул қилинди[9]. Аввалги таҳрирга нисбатан қонун янада чуқурроқ тарзда демократик характерни ўзида мужассам этди. Унга кўра маҳалла фуқаролар йиғинининг вазифа ва ваколатлари доираси кенгайтирилди. Айниқса, биз бу янгиликларни бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш тўғрисидаги масалаларни фуқаролар йиғини ҳудуди бўйича назарда тутилган харажатлардан келиб чиққан ҳолда ҳал этиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган субъектларни кредит олишида кафил бўлиш каби ваколатларини берилишида кузатишимиз мумкин.

Маълумки, фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайлов тизимини демократлаштириш ва уни ошкоралик асосида ташкил этиш устувор тамойиллардан ҳисобланади. Маҳалла институтининг давлат бошқарувидаги ролини ошириш орқали фуқаролик жамияти ривожлантирилар экан, табиийки бу жараёнда маҳалла раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тартибини алоҳида қонун билан мустаҳкамлаш зарурати туғилади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тартиби "Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинган ҳамда қонуннинг 20 моддасида қуйидагича норма келтириб ўтилган: "Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари икки ярим йил муддатга сайланади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда, маслаҳатчилар эса фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) тақдимида биноан сайланади. Фуқаролар йиғинининг раисини

(оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади[10]". Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва раис (оқсоқол) маслаҳатчилари, агар уларни йиғинида ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролар йиғинининг раиси ва маслаҳатчиларини сайлаш уч маротаба, 1995, 1998, 2001 йилларда ўтказилди[11].

Ниҳоят, 2004 йил 29 апрелда, илк бор "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши маҳалла фаолиятини демократлаштириш йўлидаги катта ютуқ бўлди. Ушбу қонунда, биринчидан, фуқаролар йиғини органларига сайловнинг демократик тамойиллари белгилаб берилди ва маҳалла органларига сайлов тизими барпо этилди; иккинчидан, сайлов жараёнининг барча босқичлари батафсил тартибга солинди; учинчидан, қонун даражасида мустақкам ҳуқуқий кафолат яратилди[12].

Қонун 31 моддадан иборат бўлиб, Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан икки ярим йил муддатга сайланиши ҳамда сайлов очиқ ва яширин овоз бериш орқали амалга оширилиши белгиланди. Очиқ овоз бериш шакли орқали сайлов ўтказилса, қўл кўтариш, яширин овоз беришда эса бюллетен тўлдириш орқали овоз берилиши мустақкамланди. Сайловда иштирок этиш ихтиёрий бўлиб, сайлов кунига қадар сайловчи 18 ёшга тўлган бўлиши кекак.

Маҳалла тузилмаси фаолиятида амалга оширилган қатор ислоҳотлар, вазифа ва ваколатлар ҳамда оқсоқолларнинг маъсулият ва жавобгарлигининг ортиб бориши маҳалла оқсоқолини сайлаш механизмининг ҳуқуқий жиҳатдан қайтадан ислоҳ этиш ҳамда янги демократик талабларга мослаштириш заруратини туғдирди. Бу борада халқаро тажриба ҳам ўрганилиб, демократик мезонларга, тарихий анъаналаримизга мос келадиган томонлари қонунчиликка киритилди. 2018 йил 15 октябрь куни "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги қонун қабул қилинди[13]. Янги таҳрирдаги қонун аввалгисига нисбатан қатор ўзгаришларни ўзида мужассам этди.

Биринчидан, аввалги сайловларда маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари бир кунда сайланган бўлса, янги сайлов қонунчилиги бўйича фақатгина маҳалла фуқаролар йиғини раиси сайланиши белгиланди ва бу қонуннинг номида ҳам акс этди ҳамда унинг ваколат муддати уч йил этиб белгиланди. Маслаҳатчилар эса сайлов натижалари эълон қилинганч бир ой ичида сайланиши қонунчиликка киритилган эди. Бироқ 2020 йил 18 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" президент қарори қабул қилиниши билан маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ваколат муддати уч йил этиб белгиланди.

Иккинчидан, авваллари сайловчиларни сонига маълум чегара белгиланмаган бўлса, эндиликда уларнинг сони умумий сайловчилар сонининг ўн икки фоизини ташкил этиши қатъий белгиланди.

Учинчидан, маҳалла фуқаролар йиғини раисини сайлаш фақат яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилиши мустақкамлади. Аввалги сайловларда яширин ёки очиқ овоз бериш шаклидан фойдаланиларди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш даркорки, маҳалла тузилмаси вазирлик сифатида фаолият юритсада, маҳалла фуқаролар йиғини раиси аввалгидек фуқаролар томонидан овоз бериш йўли билан сайланишда давом этади.

Кўриниб турибдики, мамлакатда ўзини ўзи бошқариш органлари тизими

тушунчаси ва унинг ҳуқуқий мақомлари ривожланган демократик мамлакатлардаги ҳуқуқий мезонлар билан деярли бир хил тарзда белгиланган. Шунинг учун ҳам қисқа даврда - мустақиллик йилларида мамлакатдаги маҳаллалар олдинги тоталитар тузумдаги партия ва давлат органларининг халқни мутеликда ушлаб туриш воситаси сифатидаги вазифалари бекор қилиниб, улар тадрижий равишда фуқаролик жамиятининг институти сифатида ривожлана бошлади[14].

4. Хулосалар.

Демак, бир асрдан ошиқроқ давр мобайнидаги турғунликдан мустақиллик шарофати билан ривожланиш йўлига ўтган ўзбек маҳалласи ўзининг тарихий мавқеини қисқа давр ичида қайтадан тиклади. Маҳалла тузилмасига яна урф-одат ва қадриятлар давомийлигини сақлайдиган, ёшларни тарбияловчи, аҳолини ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий фаолликка чорлайдиган ҳамда уларни эзгу гоялар билан бирлаштирувчи демократик маскан сифатида қарай бошланди. Мустақиллик йилларидаги сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар сабаб маҳалла институти ваколатлари кенгайиб борди. Бугунги кунда аҳолини сиёсий саводхонлигини оширишда, унинг тадбиркорлик билан эркин шуғулланишида, давлат ташкилотлари билан муносабатларга киришишда муҳим воситачи бўлиб келмоқда. Албатта бу кенгайтирилган вазифа ва ваколатлар ўтган йиллар давомидаги ҳуқуқий асосларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаб бориш билан ифода этилади. Эришилган бу ютуқларни тизимлаштириш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида маҳалла тузилмаси эндиликда вазирлик сифатида ўз фаолиятини давом эттиради.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1992 й. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.10.2018 й., 03/18/498/2051-сон (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. - Т.: Uzbekistan, 1992. National Database of Legislation, 16.10.2018, No. 03/18/498/2051)
2. European Charter of Local Self-Government. Strasbourg, 15.X.1985. <https://rm.coe.int/168007a088>
3. Рўзиев З. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари (конституциявий-ҳуқуқий таҳлил); юридик фанлар номзоди дисс. - Т.: 2016. -Б. 50-62. (Ro'ziev Z. Powers of citizens' self-government bodies (constitutional and legal analysis); candidate of jurisprudence diss. - Т.: 2016. -P. 50-62.)
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида"ги Фармон. - Т.: Адолат. 2017, - Б.11. (President of the Republic of Uzbekistan. Decree "On the Strategy of further development of the Republic of Uzbekistan". - Т.: Adolat, 2017. - P.11.) The People's Word, 2017, № 28 (6722)
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.02.2020 й., 07/20/4602/0186-сон (National Database of Legislation, 19.02.2020, No. 07/20/4602/0186) <https://lex.uz/docs/-4740335>
6. "Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун. 1993 йил 2 сентябрь. (Law "On citizens' self-government bodies". September 2, 1993) <https://lex.uz/docs/86020?ONDATE=21.09.1993>
7. "Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда. 1999 йил 14 апрель (The law "On citizens' self-government bodies" in the

new edition. April 14, 1999. <https://lex.uz/docs/-86256>. <https://lex.uz/docs/-86256>

8. Ўша жойда. (At the same place).

9. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси", 2013 йил, 4-сон, 96-модда. "Bulletin of the Chambers of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan", 2013, No. 4, Article 96. The People's Word, 2013 April 24.

10. "Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда. 20 модда, 1999 йил 14 апрель. (The law "On citizens' self-government bodies" in the new edition. Article 20, 14 April 1999.) <https://lex.uz/docs/2156899>

11. Сувонқулов М.И. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг назарий-ҳуқуқий масалалари, юридик фанлари номзоди дисс., - Т.: 2002. -Б.116 (Suvonqulov M.I. Theoretical and legal issues of the activities of citizens' self-government bodies in the Republic of Uzbekistan, Ph.D., - Т.: 2002. -P.116)

12. Жалилов А., Муҳаммадиев У., Жўраев Қ. ва бошқ. Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма. - Т.: 2015, Б.247 (Jalilov A., Muhammadiev U., Juraev K. Fundamentals of Civil Society. - Т.: 2015, P.247)

13. <https://lex.uz/docs/3988421>

14. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. - Т.: Ўзбекистон, 2010. -Б. 194 (Kyrgyzbaev M. Civil society: genesis, formation and development. - Т.: Uzbekistan, 2010. B. 194)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000